

ШАРТНОМА № 144289

Урганч шахри

2022 йил “14” Сентябрь

Урганч давлат университети Академик лицейи номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори А. Кутлимуратов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “FAST FOZILJON” МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбари И.Бекчанов кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини мижозларнинг **овқат тайёрлаш хизматини** ҳамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-хукуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “14” Сентябрдан

2022 йил “31” Декабргача

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг иифма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қўйидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганды уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, фойдаланган коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қиласдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аниқданганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳукуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-аҳлоқ коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклashi;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, күрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **410 057 375,00 сўм** (*Тўрт юз ўн миллион эллик етти минг уч юз етмиши беш*) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи микдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ; бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер томонидан овқат тайёрлаш хизматини олиб борища, санитария қоидалари ва меъёрлари талабларини бажарилиши ҳолатининг кунлик назоратини олиб бориш буюртмачининг тегишли масъул ходимлари зиммасига юкланди.

4.2. Аутсорсинг хизматларини мониторинг қилиш буюртмачи томонидан шартномада белгиланган шартларда кунлик амалга оширилади.

4.3. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг тегишли бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

4.4. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.5. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.6. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқукий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.7. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.8. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

I. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

II. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

III. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган санадан яни 2022 йил “14” Сентябрдан 2022 йил “31” Декабргача амал килади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
<p>“FAST FOZILJON” МЧЖ Манзил: Урганч ш Ю.Бабажанов-4 Х/Р: 2020 8000 6050 4922 4001 Банк: ТИФ Миллий банк Ургенч МФО: 00547 ИНН: 306 304 074</p> <p>Рахбар:  И.Бекчанов</p>	<p>Урганч давлат университети Академик лицейи Манзил: Урганч шаҳар Шовот куча 27 ўй ШХ/Р: 100010860334017092500079001 Х/Р: 23402000300100001010</p> <p>Банк: Марказий банк XKKM МФО: 00014 ИНН: 205260966</p> <p>Рахбар:  А.Кутлимуратов</p>

Юрисъ консультант  **Д. Каримов**

144289 сонли шартномага
 “14” Сентябрь 2022 йил кунги
144289 -сонли шартномага
 илова

Шартноманинг прогноз суммаси


T/ р	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиг и	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизма т бирли к-лари сони	Жами суммас ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС %	Жами сумма ҚҚС билин
1	Январь	31	хизмат					
2	Февраль	28	хизмат					
3	Март	31	хизмат					
4	Апрель	30	хизмат					
5	Май	31	хизмат					
6	Июнь	30	хизмат					
7	Июль	31	хизмат					
8	Август	31	хизмат					
9	Сентябрь	30	хизмат	29 500,00	4 228,85	108 479 195,65	16 271 879,35	124751075,00
10	Октябрь	31	хизмат	29 500,00	3 402,90	87 291 782,61	13 093 767,39	100385550,00
11	Ноябрь	30	хизмат	29 500,00	3 582,00	91 886 086,96	13 782 913,04	105669000,00
12	Декабрь	31	хизмат	29 500,00	2 686,50	68 914 565,22	10 337 184,78	79251750,00
Шартноманинг жами суммаси		365		13903.25	356 571 630,43	53 485 744,57	410 057 375,00	

“FAST FOZILJON” МЧЖ

Директори  И.Бекчанов

УрДу Академик лицейи

Директори  А.Кутлимуратов

Юрист консультант  Р. Каримов



УрДу Академик лицейи

Директори

А.Кутлимуратов

Аутсорсинг шартлари асосида хизмат курсатиш буйиса 14.09.2022 й № 144289 шартномага
илова Сфекификация

№	Товар ва хизматлар	Ўлчов бирлиги	микдори	Нархи	Умумий киймати
1	Ўқувчиларга эрталабки нонушта овкатланиш овкат пули 20%	порц	4228,9	5900	24950215
2	Ўқувчиларга тушлик овкатланиш овкат пули 45%	порц	4228,9	13275	56137984
3	Ўқувчиларга кечки овкатланиш овкат пули 35%	порц	4228,9	10325	43662876
	Жами: Сентябр ойи		12687	29500	124751075
1	Ўқувчиларга эрталабки нонушта овкатланиш овкат пули 20%	порц	3402,9	5900	20077110
2	Ўқувчиларга тушлик овкатланиш овкат пули 45%	порц	3402,9	13275	45173498
3	Ўқувчиларга кечки овкатланиш овкат пули 35%	порц	3402,9	10325	35134943
	Жами: Октябр ойи		10209	29500	100385550
1	Ўқувчиларга эрталабки нонушта овкатланиш овкат пули 20%	порц	3582	5900	21133800
2	Ўқувчиларга тушлик овкатланиш овкат пули 45%	порц	3582	13275	47551050
3	Ўқувчиларга кечки овкатланиш овкат пули 35%	порц	3582	10325	36984150
	Жами: Ноябр ойи		10746	29500	105669000
1	Ўқувчиларга эрталабки нонушта овкатланиш овкат пули 20%	порц	2686,5	5900	15850350
2	Ўқувчиларга тушлик овкатланиш овкат пули 45%	порц	2686,5	13275	35663288

3	Ўкувчиларга кечки овкатланиш овкат пули 35%	порц	2686,5	10325	27738113
	Жами: Декабр ойи		8059,5	29500	79251750
	Жами сумма		13900	29500	410057375
Жами тўлов: 410 057 375 (тўрт юз ўн минг эллик етти минг уч юз етмиш беш сум)					

“FAST FOZILJON” МЧЖ

Директори



И.Бекчанов

УрДу Академик лицейи

Директори



А.Кутлимуратов

Юрист

консультант

